

تائگ يولدوزى

ТОНГ

№32
(6504).
1992 йил
22 июль
чоршанба
Баҳоси:
30 тийин.

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учкуни»
номи билан чиқа бошлаган.

НОЛДОУЗИ

ЎЗБЕКИСТОН
БОЛАЛАРИ ВА
ЎСМИРЛАРИНИНГ
ГАЗЕТАСИ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Ўзбекистонда оналар уюшмаси тузилди. Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришда аёлларга моддий, ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам бериш уюшманинг асосий мақсадидир.

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги Ўзбекистон Темирйўл бошқармасига қаршли Абдулла Авлоний номли 40-мактаб ўқувчилари бу йилги ўқув йилини янги бинода бошлашади.

Нима бўпти, бу янгилик эмас, ахир янги қурилган мактаблар сони республикада талайгина-ку, дейшингиз мумкин. Қувончли томони шундаки, бу мактаб яқин атрофдаги ягона миллий ўқув даргоҳи бўлади.

Первоуральск шаҳри аҳолиси учун каламуш ва сичқонларнинг кўпайиб кетганлиги ҳақиқий офат бўлди. Яқинда эса 2 ёшли қизалоқ уларнинг ўлжасига айланди. Шаҳар умумий ётоқхонасида яшовчи жажжи қизалоққа 4 та бакувват каламуш бир йўла хужум қилди. Ўз вақтида ёрдамга улгуриб келган ота-онаси фарзандлари ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлишди.



КЕЛГУСИ СОНДА:

Ш. СУННАТОВ:
«Тиланчи
бола»
Д. ТОИРОВА:
«Юраги музлаб
қолган экан»

Кейинги вақтларда нафас олишим қийинлашиб қолди. Бурним битиб, оғзим билан нафас оладиган, ҳаво етишмай қийналадиган бўлиб қолдим. Тошкент

ТҲЙИБ-ТҲЙИБ НАФАС ОЛАМАН

педиатрия институтининг профессори Саидакром ака Ҳасанов холимни кўриб: «Бунақаси камдан-кам учрайди. Ҳечқиси йўқ, даволаймиз», — дедилар.

Касалим ҳақиқатдан ҳам «ноёб» экан. Бурун катаклари орасидаги тўсиқ қийшиқ, чап катак бутунлай битиб қолган, яна

МИННАТДОРМАН

анчагина йиринг йигилган экан. Даволовчи врач В. Н. Кирсанов ва Саидакром аканинг сидқидилдан даволашлари натижасида

соғайиб кетдим.

Ҳозир тўйиб-тўйиб нафас олар эканман, уларнинг умрига умр тилайман. Шундай ажойиб кишилар борлигига шукур қиламан.

А. ЛУТФУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳридаги 193-мактаб ўқувчиси.



Қачонгача бизни уришади?

Мактабда, уйда, кўчада, ҳатто болалар боғчаларида доимо бир шарпа ўралашиб юради. У ҳаммамизнинг ҳам кўнглимизни хуфтон қилади. Урган — инсофи бўлса, «қўлим синсин» деб ичида ўзини қойиди, калтак еган кўз ешларини енги билан артиб, унсиз йиғлайди, бақириб йиғласа биладики, яна шаполоқ «ейиши» мумкин (бу шарпанинг боғчалардаги сояси).

Ҳозир каттароқ болани уриб еки ҳақоратлаб кўринг-чи, у кўзингизга тик қараб, жавоб қайтаришга шайланади, ўзини базўр босади. Тушуниш мумкин, ахир ҳадеб бўлар-бўлмас калтак еб, ҳақорат эшитиш унинг ҳам жонига тегади. Хуллас, мавриди келиб кичикларнинг кўпдан буен айтолмай келган ички бир дардини бугун катта харфлар билан езмоқчимиз: «ҚАЧОНГАЧА БИЗНИ ҲАҚОРАТЛАБ, УРИШАДИ?»

Бу хусусда фикр юритишимизга муҳаририятимизга Хоразм вилоятида яшовчи Иқболхон Бекжоновадан келган мактубдаги қуйидаги сатрлар сабаб бўлди: «Икки нафар фарзандим бор. Иккиси ҳам ўғил болалар. Шўхликда бир-бирдан қолишмайди. Мен-ку майлия, отасидан ҳам хайиқишмайди. Қаттиқроқ қойиб берсам, ўзимни ҳам уриб кетишади. Нима қилишга бошим қотиб қолган. Ўзимнинг онам «Болаларининг тарбияси бузулиб кетган, уларни ҳаддан зиёд эркалатиб юборгансизлар. Ҳозирдан маҳкам турмасанг, кейин кеч бўлади», деб тайинласалар. Қайнонам «Тўрт ўғлимни бир шапалоқ урмай катта қилганман. Қани, қайси бири ёмон бўлди? Болаларни уравсангиз, эти қотади» дея танбеҳ берадилар. Уларнинг қай бири ҳақ, билолмай гарангман. Барча оналар каби фарзандларининг ақлли, одобли бўлиб улғайишларини хоҳлайман».

Иқболхоннинг гапларида жон бор. Урсанг — дили оғриб, меҳри қотса, урмасанг — гапга кирмаса... Ҳа, оғир масала. Ота-онлар билан болалар ўзаро «сулҳ» тузиб яшашлари керак, чоғи!

Ҳар бир ота-она фарзандининг одобли, тартибли бўлишига интилади. «Олпоғим» деса дейди-ю бировга «ёмон» демайди. Лекин тарбияси оғир болалар-чи? Улар қаердан пайдо бўлишади? Ҳозирги кунда бундай болалар сонининг ортиб бораётганлигига ота-оналарининг ҳаддан зиёд меҳрибонлиги, кечиримлиги сабаб бўлмаётганмикин?!

Шу каби ўй-хаёллар билан шаҳримиз кўчаларини айланиб, айрим ота-оналар ҳамда болалар билан суҳбатлашдик.

(Бошланиши 1-бетда)


Улардан:

“ФАРЗАНДИГИЗНИ УРАСИЗМИ?”**“ОТА-ОНАНГИЗНИНГ
КАЛТАКЛАШЛАРИГА
ҚАНДАЙ ҚАРАЙСИЗ?”**

деб сўрадик

**Махфуза УМАРХУЖАЕВА,
беш нафар фарзанднинг
онаси:**

— Менинг назаримда ҳозирги пайтда на фақат катталар, балки болалар ҳам асабий бўлиб кетишгандек. Билмадим, балки бу шароитга боғлиқдир. Ҳозирги болаларни овозингизни баландлатиб койиб кўринг-чи, калтаклаш ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Улар билан тил топиша билиш керак. Тарбияда кўпроқ қўлимизни эмас, ширин забонимизни ишга солишимиз зарур, деб ўйлайман. Фарзандларим жуда яхши, ақилли, одобли. Шунинг учун бўлса керак, бизнинг оилада калтакка ҳожат ҳам йўқ.

**Содиқ САТТОРОВ, 9-синф
ўқувчиси:**

— 7-синфда ўқиб юрган кезларимда бувимникида юрар эдим. Нима бўлди-ю, уйимизга келган меҳмоннинг пули йўқолиб қолди. Ойим билан бувим мени “пул ўғриси”га чиқаришди. Ўзимни оқлашга ҳарчанд тиришмай, сўзларимга ҳеч ким ишонмади. Сенга ишонимасан, яна ким — энг яқин инсон — онанг, бундан ёмони йўқ экан...

**Намибилло МИРЗАЖОНОВ,
полвон,
2 нафар фарзанднинг отаси:**


— Фарзандларим ҳали ёш, бири-биридан ширин. Уларни уриб бўларканми! Шўхлик қилишса, онаси койиб беради. Бундай пайтларда ораларига тушмасликка интиламан.

**Манзура ЁҚУБОВА, 10 ёш:**

— Тунов кунни ойимдан калтак едим. Нима учун дейсизми? Дадамга гап қайтарганим учун. Ойимнинг менга берган “мукофот”лари ўринлими, сиз нима дейсиз, болалар?

**Дониёр ЭШБОЕВ, 12 ёш:**

— Ака-опаларимни уришиб, хатто калтаклаб ҳам туришадди. Мен эса уйда кенжа ўғил бўлганлигим учунми, ҳеч ким койимайди.

**Абдурахим САФАРОВ, ми-
лиция катта сержанти,
3 нафар фарзанднинг отаси:**

— Фарзандларим тарбиядан нолимайман. Кеч кириши билан кўчага чиқишмайди. Улардан астойдил ранжиганимни эслай олмайман. Билмадим, бу балки улар билан кам бирга бўлганлигимдандир. Чунки хизмат юзасидан уйга кечроқ қайтаман.

Баъзи болаларнинг юриш-туришларидан хавотирланиб, ота-оналари билан суҳбатлашмоқчи бўлсам “Сизнинг нима ишингиз бор?” дейишади. Менимча, авваломбор, мана шундай ота-оналарнинг ўзларини, қолаверса, тузумимизни тарбиялашимиз керак.

**Зухра ТЎЛАГАНОВА,
ўқитувчи,
5 нафар
фарзанднинг онаси:**

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳаётим болалар билан боғлиқ, ишда ҳам, уйда ҳам. Болаларни жуда севаман. Ишдан чарчаб, хориб келган пайтларим ҳам бўлади. Каттиқ ранжиган дамларимда ҳам қўлимга эрк бермай, ўзимни қўлга олишга тиришаман. Фарзандларимга йўл қўйган камчиликларни ётиги билан тушунтиришга ҳаракат қиламан.

**Феруза ЖАЛИЛОВА
суҳбатлашди,
Р. АЛБЕКОВ
суратга туширди.****СЕНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУНИНГ**

— Илҳом ака, суҳбатимиз бошида ўзингиз раҳбарлик қилаётган ҳуқуқшунослик коллежи ҳақида гапириб берсангиз?

— Бу билим даргоҳи дастлаб 1977 йили ҳуқуқшунослик техникуми сифатида ташкил топган. Унда суд, давлат органлари, нотариал контора ва хўжалик ташкилотлари учун юрист маслаҳатчилар тайёрланади. Мавжуд ҳуқуқшунослик ва иш юриштиш бўлимларининг кундузги ва сиртки ўқишларига ҳар йили жаъми 330 нафар талаба қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 март кундаги қарорига асосан техникумимиз ҳозир коллеж деб аталадиган бўлди.

— Бу ном ўзгариши таълим-тарбия жараёнини

экан. Мана, Ўзбекистон ҳам мустақил давлат деб эълон қилинди. Биз энди чинакам демократик ҳуқуқий давлатни қурмоқчимиз. Хўш, ҳуқуқий давлат қандай ўзи? Нима, биз шу кунгача, қонуларсиз, ҳуқуқсиз давлатда яшадикми? Ахир улар керагидан ортиқ эди-ку?

— Собиқ Совет Иттифоқида кўп асосий қонулар ўйламасдан ишлаб чиқилган ва уларга амал қилинмаган. Ҳатто Конституциядаги баъзи моддалар ҳаётга тўғри келмаган. Шунингдек, 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий қонулари барча миллат халқларига атайлаб етказилмаган, миллий кадрлар

**“Ҳатто улар номига ёзилган
мактубларни ўқиш таъқиқланади”
— дейди Тошкент ҳуқуқшунослик коллежининг
директори Илҳом ака БЕКБЎЛАТОВ**

ҳам янгилайдими?

— Албатта. Одатда коллежлар маълум бир соҳаларга ихтисослашган бўлиб, махсус кучайтирилган ўқув дастурларига эга бўлади. Етук мутахассислар тайёрланиб, уларнинг малакаси олий дипломлар билан тенглаштирилади ҳисоби. Ҳозир Республика Адлия Вазирлиги, Олий ва Ўрта махсус халқ таълими Вазирлиги ва жамоамиз зиммасига бу ҳуқуқшунослик коллежининг Низомини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Яъни унинг янги структурасини, янги ўқув дастурини ва қандай мутахассисларни тайёрлашни белгилаб олишимиз керак. Бу ўз вақтида мураккаб иш.

— Сизнингча ҳуқуқшунос бўлмоқчи бўлган бола табиатан қандай бўлиши керак.

— Ҳалол бўлиши керак... Тўғри, ҳаёт жуда мураккаб, лекин охиригача виждонли бўлиб қолиш ҳам жасорат. Сир эмас, баъзи ота-оналар ҳозир ўз фарзандларига “мода” бўлиб қолган ўқув юртларига кириб ўқишни маслаҳат беришади ва ўзлари “жойлаб” қўйишади ҳам. Истардимки, ҳар бир ўғил-қиз ўз қобилияти, илми ва қизиқиши даражасидаги ўқув юртларида таҳсил олишса.

— Инсон табиатининг энг олий ва онгли неъматини. Ва у ўзининг жамиятда яшашини учун турли қонуларни ўйлаб топган. Яхшиямки, бу қонулар ўсимлик бўлиб ўсмайди, акс ҳолда улар чирмовикдай ўралашиб, йўлимизни тўсиб қўйишади. Демокриманки, барча қонуларни бекор қилиб, виждонан, эркин япаса бўлмайдими?

— Фараз қилинг, сиз кимсасиз оролга тушиб қолдингиз. Ўсимлик, сув ва ҳайвонлардан бошқа ҳеч бир тирик жон йўқ. Шунда сизга меҳнат, жиноят кодекси қонуларни ёки йўл ҳаракати ҳавфсизлиги қонуларни керак бўлармиди? Йўқ. Ваҳоланки, биз фан-техника тараққий қилган, кўп миллионли одамлар бўлган жамиятда яшар эканмиз, қонуларсиз бир қадам ҳам юра олмаймиз. Сиз айтгандай бир-биримизга зиён етказмай виждонан, эркин яшасак, фақат жиноят ва жазо қонуларининг бекор қилишимиз мумкин.

— Демак, қонуларсиз жамиятда яшаб бўлмас

поймол қилинган. Биз қураётган ҳақиқий демократик ҳуқуқий давлатда эса инсон ҳуқуқлари ишончли тарзда ҳимоя қилинмоғи ва у кафолатланмоғи лозим. Шу мақсадда республикаимизда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон миллий қўмитаси тузилган ҳам.

— Болаларга нисбатан мактабда, уйда, кўчада ва ҳатто боғчаларда ишлатилаётган жисмоний куч ва зўравонликка қандай қарайсиз? Ҳимоясиз болани каттаман деб, ҳақоратлаб, калтаклаган жоҳил ота-она, ўқитувчи, тарбиячига қандай жазо қўлланилади?

Нима учун ҳар бир мактабда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган ягона “Болалар ҳуқуқлари конвенцияси” катта ҳарфлар билан ёзилиб, кўринарли жойга илиб қўйилмайди?


— Орамизда болаларни калтаклаб, ёмон сўзлар билан ҳақоратладиган катталар оз эмас. Улар ўзларининг бу бемаъни ҳаракатлари билан болаларга шафқатсизлик, меҳрсизликдан “дарс” берадилар. Бундай ота-она, ўқитувчи ёки тарбиячига, албатта, чоралар бор. Ота-она ҳаддан ташқари жоҳил бўлиб, ичкилик қилса, болаларини калтакласа, уйларидадан ҳайдаб чиқарса, бундайлар ота-оналикдан маҳрум этиладилар ва болалар давлат тарбиясига олинади. Болани ҳақоратлаб калтаклаган ўқитувчи ёки тарбиячи ўз вазифасидан пасайтирилади ёки четлаштирилади, зарур ҳолларда жиноий жавобгарликка ҳам тортилади.

Дарҳақиқат, “Болалар ҳуқуқлари конвенцияси”да уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари жуда яхши ҳимояланган, ҳатто унда улар номига ёзилган мактубларни ўқиш таъқиқланади. Шу кунларда Ўзбекистон Халқ Демократик партияси ҳам Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, ҳукумат эътиборига ҳавола этган. Яхши бўларди агар бу қонун яқин вақт ичида қабул қилинса.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.
Б. АКРОМОВ суҳбатлашди.

Ойбек АВЛИЎЕВ, 11 ёш:

— Яшириб нима қиламан, дадам урмайдию, ойим уриб турадилар. Ҳақманми, ноҳақманми, калтак есам, уйдан чиқиб кетаман. Кечга яқин ҳимоячим — дадам ишдан қайтгач, уйга кириб оламан. Аразлаб юриш маза, иш ҳам қилмайсан...

**МУҲАРРИЯТДАН:**

Тасодифни қарангки, биз фақатгина фарзандларини урмайдиган ота-оналарга ҳамда ота-оналаридан калтак еб турадиган болаларга дуч келишимиз, чоғи. Катталарнинг жавобларига эътибор қилган бўлсангиз, ҳар бири фарзандларининг тарбиясидан мамнун, уларнинг одобли, тартибли эканликларидан фахрланишади. Бу — яхши албатта.

Аммо, ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Ҳар биримиз “фарзандларим яхши” деймизу, лекин “тарбияси оғир болалар” кўпайиб бораётганидан ташвишланамиз, ахир улар қаёқдан пайдо бўлишяпти?!

Қадирли ота-оналар, устозлар! Юқоридаги фикр-мулоҳазалар, мушоҳадалар сизларни ҳам бешарқ қолдирмайди, деган умидда, мактубларингизни кутиб қоламиз.

БОЛАЛАР ОТА-ОНАЛАР БИЛАН БИР ДАСТГОҲДА ИШЛАЙДИЛАР

Бу масала “Средэлектроаппарат” Ўрта Осиё илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг умумий йиғилишида кўриб чиқилган эди. Ўшанда завод ишчилари хурсанд бўлишганди. Йиғилишда сўзга чиққан завод директори Абдуманнопов ака Алимбоев уларнинг дилидаги гапларни айтган эди:

— Ҳар бир ишчимизнинг ўғил-қизи фақат унинггина эмас, ҳаммамизнинг, заводимизнинг фарзандлари ҳамдир. Шундай экан, уларнинг саломатлиги, таълим-тарбияси, қолаверса, келажаги учун ҳар биримиз жавобгардирмиз. Ўқишлар тугаб, ёзги таътил ҳам бошланди. Келинг, ҳар йилгидек бу йил ҳам фарзандларимизни ўз бағримизга олсак...

...Ишдан қайтгач, кечки овқатга уннаётган Шоҳида опа хаёлан директорнинг гапларини маъқулларди: “Тўғри-да, кечгача телевизор кўриб, кўча чангитиб юргандан кўра ишлаганлари маъқул. Касб ўрганишади, қолаверса моддий ёрдам. Энг муҳими — кўз ўнгимизда бўлишади. Шоҳида опанинг фикрлари ўғли Ботиржонга ҳам маъқул келди. “Мени ҳам ишга олишармикан-а, ойижон”, дея бироз иккиланганди ўшанда.

Ишга қабул қилиши ҳам. Барвақт туриб заводга ошиққан Ботиржоннинг хаёлидан биргина фикр кечарди: “Ишни эплаб кетармиканман”. Заводга келгач эса ота-оналари ёнларида туриб меҳнат қилаётган ўзи тенги болаларни кўриб анча дадиллашди. Анвар исмли бола билан дўстлашиб олишга ҳам улгурди.

— Ишимиз қийин эмас. Электроаппаратлар учун галтаклар ясаб беряпмиз, — дейди Ботиржон. — Бажарган юмушимизга қараб ойига 1000-1200 сўмдан ойлик оляпмиз. Авваллари автослесарликка ўқийман, деб юрардим. Бу ерга келдим фикримни ўзгартирдим. Ўқишни тамомлаб, шу заводга ишга

— Корхонамизда ҳозирги кунда 9-11-синф ўқувчиларидан 94 нафари меҳнат қилади, — дейди завод кадрлар бўлимининг бошлиғи Азиза опа Каримова. — Ота-оналар ўз фарзандларига устозлик қилишмоқда. Болалар ёшларига, жисмоний кучларига, имкониятларига яраша унчалик мураккаб бўлмаган юмушлар

сўм турадиган ҳар бир йўлланманинг 140 сўмнигина ота-оналар зиммасига тушаётгани завод ишчилари учун яратилган яна бир имтиёздир.

Оромгоҳда болаларнинг олти маҳал овқатланишлари ташкил этилганини айтмайсизми. Ғалзалкентдаги консерва заводи ҳамда Абай жамоа хўжалиги билан завод ўртасида тузилган шартномага асосан, улар болаларни янги узилган мевалар билан таъминлаб туришаркан. Таътилнинг биринчи ойида оромгоҳда 220 нафар бола ҳордиқ чиқарган бўлса, июль ойида талабгорларнинг сони 450 нафарга етган.

Сўхбатимиз сўнггида Азиза опа ажойиб бир хушxabар билан ўртоқлашди. Завод қошида ўқув-методика маркази очишни режалаштиришаётган экан. Бу марказга эса заводда ишлайдиган ёшлар атестация ёки сўхбатлашиш йўли билан қабул қилиниб, меҳнатдан ажрамаган ҳолда 3 ярим йил давомида ўқитилади. Тошкент транспорт олийгоҳи, техника дорилфунуни, иқтисод дорилфунуни ҳамда алоқа олийгоҳлари билан шартномалар тузиш асосида улар олий маълумот ҳақидаги дипломлар олишади.

Биз бу ибратли режаларнинг тезроқ амалга оширилишига умид қиламиз. Фарзандларини ўз бағриларида эъзозлаб, ардоқлаб ўстираётган, уларнинг келажаги ҳақида дилдан қайгураётган Абдуманнопов ака, Азиза опа сингари инсонларнинг борлигидан шодланиб қайтдик.

Феруза ЖАЛИЛОВА.



келмоқчиман.

Кўпгина корхона ва муассасалар болаларни ишга қабул қилишга унчалик ҳавасманд эмасликлари аён нарсас. Чунки янги ишга қабул қилинган болалар иш ўргатиш, ёрдамлашиш, уларни назорат қилиб туриш керак. Буларнинг ҳаммаси учун эса вақт талаб қилинади. Лекин Абдуманнопов ака Алимбоев раҳбарлик қилаётган бирлашмада бу масалага ижобий ёндошилган. Болаларни фойдали меҳнатга йўналтириш, касб ўргатиш, қолаверса, бўш вақтларидан унумли фойдаланишлари учун имкониятлар яратиш кабиларга кўпроқ эътибор қаратилган бу ерда.

билан таъминланишган. Вояга етмаганлари учун 200 сўмдан қўшимча пул тўлаиб, бир ойда ўртача 1000-1200 сўмдан маош олишяпти. “Ҳа” деган туяга мадад деганларидек, бозор иқтисоди шароитида, ҳарна-да!

Сўхбатимиз давомида завод маъмурияти болаларни фақат иш билан таъминлаб қолмай, уларнинг дам олишлари, соғлиқларини мустаҳкамлашлари каби юмушларга ҳам бош-қош эканликлари маълум бўлди. Чимёнда жойлашган “Радость” сўлим соғломлаштириш оромгоҳи завод ишчиларининг фарзандлари ихтиёрида бўлиб, 1400

УЛАР 1000-1200 СЎМДАН МАОШ ОЛАДИЛАР

БАЛАНДРОҚ УЧ,

Едингизда бўлса, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика ёш техниклар станцияси ҳамкорлигида ўтказилган “Коинот” республика ёш техниклари мусобақасининг биринчи босқичи ҳақида хабар қилган эдик. Мусобақанинг иккинчи босқичи яқинда Тошкентдан унчалик узоқда бўлмаган Аранча қишлоғида бўлиб ўтди. Шу куни қишлоқ жажжигина космодромга айланиб қолгандек бўлди, гўё. Республикаимизнинг турли вилоятларидан келган ёш техник ихлосмандлари, муҳандислар, конструкторлар ўзлари яратишган ракета моделларини амалда синаб кўрдилар. Ракеталарнинг 9-3-А, 9-4-В, 9-6-А, жами 6 тури бўйича ўзaro мусобақалашдилар. Мусобақа бош ҳақами, ракетамоделчилик бўйича ҳалқаро тоифадаги ҳакам, спорт устаси, юқоридаги тур бўйича собиқ Бутуниттифоқ мусобақаларнинг бир неча бор голиби В. В. Гавриловнинг ишораси билан иштирокчилар ўз ўринларини эгалладилар. Жажжи ракеталар аввал қаттиқ, чийиллаган овоз чиқариб, қуюқ тутун пурқаб, кўкка парвоз қилдилар. Улар парвозини кузатиб турган юзлаб кўзларда ҳаяжон. Ҳакамлар ҳайъати учун эса ҳал қилувчи дақиқалар. Улар самога интилан ракетачаларнинг қанчалик юқори кўтарилиши, парашютларининг очилиши ва парвознинг сифатини холисона баҳолашлари лозим эди. Командалар ҳисобидаги беллашуларда хоразмлик ёш техниклар голибликни қўлга киритишди. Самога ҳаммаликдан кўра баландроқ кўтарилиб, кўпроқ учган ракеталарнинг яратувчилари — тошкентлик ҳамда наманганлик болалар 2-ва 3-ўринларни эгалладилар.

Якка турдаги мусобақаларда эса бухоролик А. Гадаев, тошкентлик Т. Тўланбоев, П. Журавлёв, Г. Галиаҳмедов, урганчлик Р. Иброҳимов сингари иқтидорли ёш конструкторлар голиблик шохсупасини эгаллаб, фахрий ёрлик, махсус совринларини қўлга киритдилар.

Ёшликданоқ техникага меҳр қўйган, унинг сир-асрорларини мукаммал эгаллашга интилаётган бу ўсмирлар келажагидан умидимиз катта!

Суратларда: 1. Ракетамоделчилар мусобақасида голибликни қўлга киритган Хоразм вилояти, Урганч шаҳридаги ёш техниклар станциясининг қатнашчилари Умид Бозоров, Рашид Иброҳимов ҳамда Хикмат Салимовга устозлари И. В. Турсин оқ йўл тиламоқда. 2. — Бизга қачон навбат келаркин-а?

Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.

САМОНИ ҚУЧ,

РАКЕТАМ!




Суюкли фарзандимиз Фазлиддин! Сени 12 ёшинг билан самимий қутлаймиз. Мустаҳкам соғлиқ, ўқишларингга ривож тилаймиз. Даданг ҒИБСИДДИН, онанг МАЪМУРА, сингилларинг ДИЛДОРА ва ИРОДАлар.

Тошкент вилояти, Тошкент тумани, С. Рахимов жамоа хўжалиги, В. Азизов кўчаси 6-уй.



Азиз наирамиз Салимжонни 1 ёшга тўлиши билан оиламиз аъзолари чин қалбдан муборакбод этадилар. Унга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Доймо чехрангдан кулгу аримасин деб:


АЗИМОВлар оиласи. Тошкент шаҳри.



Ушбу суратларда: 1. Ракетамоделчилар мусобақасида голибликни қўлга киритган Хоразм вилояти, Урганч шаҳридаги ёш техниклар станциясининг қатнашчилари Умид Бозоров, Рашид Иброҳимов ҳамда Хикмат Салимовга устозлари И. В. Турсин оқ йўл тиламоқда. 2. — Бизга қачон навбат келаркин-а?

Бола кулса, олам кулади. Унинг бир сониялик севинчи, шодон кийкириги ҳар нарсадан азиз... Гулнора Арслонова икки ширин кизнинг меҳрибон онаси. Шунингдек, Тошкент ҳуқуқшунослик институтининг талабаси ҳамдир. У бўш вақтини доимо фарзандлари билан ўтказди. Биргаликда китоб ўқишади, кинога боришади, хиёбонларда сайр қилишади. Яқинда эса қатта қизи Шоира 9 ёшга, кичиги — Жамила 7 ёшга тўлади. Туғилган кунларини турмуш ўртоғи, кизларининг бувиси ва буваси — ҳаммаси биргаликда нишонлашмоқчи.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.



Қандай икки хил кашфиёт дунёда тез-тез янгилашиб туради! Велосипед ва соч ўстириш. Сўнгги кашфиётлар жумласига бир оёқли велосипед, шоферли ҳамда қанотли велосипедлар кирди. Соч тўкилишига қарши эса турли хил суюқлик ва дори-дармонлар яратилди. Нималар, спицалар, болғачалар ва хаттоки куйдириш учун сигареталар ҳам сўнгги ихтиролар жумласига кирди.

Ҳинд олимлари ҳайвон тўқималарининг ривожланишига таъсир қилиш йўли билан, ўз мақсадлари йўлида ҳайвонлар терилари ҳамда жуннинг рангини ўзгаришига муваффақ бўлдилар. Ургочи йўлбарс ёрдамида ажойиб тажриба ўтказдилар. Туғилажак йўлбарс боласига таъсир ўтказилгач, 90 градусгача бурилган йўл-йўл излар билан туғилди.



Абдураззоқ ОБРҮЙ

Ҳам тугун ул-бул учун. Чол ўтар йўл бўйида, Катта қавак уйида, Яшаркан битта тулки, Совуқ экан хўп хулқи. Айёрликда тенги йўқ, Яп-яланғоч, эғни йўқ. Ҳар нарса емиш экан, Чўчқадай семиз экан. Иш деса Самарқандда, Кўзлари шакар-қандда. У ёқ, бу ёқ юраркан, Газет титиб тураркан. — Бу юришдан қочмасам, Битта дўкон очмасам, Ўтмас-ов куним дейман, Бўлганда уним дейман, Нон пишириб сотардим, Роса пулга ботардим. Тулки ишлат каллани,

Дармон этиши мумкин. Бўлак йўлдан юраин, Нима бўлса кўраин, Деб чимириб қошини, Эшагининг бошини, Бошқа ёққа бурибди, Роса мўл йўл юрибди. Чарчаб эшак устида (Эшак чолнинг дўсти-да), Кўзи қобди илиниб, Бир пайт эшак суриниб, Кетибди мункиб пича, Кундузкан, эмас кеча. Чол уйғониб кетибди, Кейин қани нетибди? Бир пас бошин қашлабди, Атрофга кўз ташлабди. Катта дарахт тагида, Болалари баргида, Қирқта дев ухлар экан,

Кейин, майли, қоламан. Азройил-отим менинг, Бу эшак-отим менинг. Етгач бу гап қулоққа, Кўз ёшлари булоққа, Айланди хўп девларнинг, Боши ҳам буб девларнинг. Катта-кичик ёшлари, Қотиб роса бошлари, Ўртанишиб тобора, Ахтаришибди чора. Уйлаб-уйлаб охири, Битта сўзга моҳири: — Топдим зўр чора, — деди, — Берамиз пора, — деди, — Йўқ қилмай элимизни, Берайлик келимизни. Майли келисопни ҳам, Олтин тўла қопни ҳам. Пули борлар бозорда,

Бунда наф бор экан-да. Ўтмай қўйиб у ёқдан, Юрган экан бу ёқдан. Кўрсатай юринг уйин, Қилибди сизга ўйин. Қўшилишиб тулкига, Қолмайлик деб кулкига, Девлар йўлга тушибди, Куч-гайрати жўшибди. Қулоқларни қилинг динг, Нима бўпти чолга денг. Девлардан олган пулга, Пора бериб ул-булга, Қуриб олган зўр бир уй, Сотиб олган сигир, қўй. Кўрган заҳот девларни, Не қилсам деб буларни. Чолнинг боши қотибди, Тулкига гап отибди: — Ҳа, Тулкибой, қалайсан, Кади берсам ялайсан. Қарзингни узайин деб, Вақтида чўзайин деб, Девларни об келдингми, Олдинга соб келдингми? Бу гапларни эшитиб, Девлар эсидан кетиб: — Азройил экан-ку чол, Алдамчи ҳақингни ол, — Дея қаттиқ йўталиб, Тулкини даст кўтариб, Уришиб ерга чунон, Йўқолди кўздан шу он. Фойдага тери қолди. Кампирга эри қолди. Энди навбат подшоҳга, Тушар экан у чоҳга, Эпламаса ўзини, Тутсиз айтса сўзини. Уйғонган чол, кучи бор, Калаванинг учи бор, Ҳалол бўлса замона, ҳамма поклик томона, Интиларди зўр бериб, Унга юртдан тўр бериб. Аммо замон бошқача, Сотилади тошгача. Пули борлар бозорда, Пули йўқлар мазорда.


КАЛАВАНИНГ УЧИ

Қулоқ беринг, болалар, Боғдаги битган долалар, Жуда қадим замонда, Жағалбойли томонда, Яшаркан бир камбағал, Кун кўриб амал-тақал. Ҳам кампири бор экан, Уйи кичик, тор экан. Пули борлар бозорда, Пули йўқлар озорда. Баҳо отам нархида, Подшоҳ эса тахтида, Хор “жигарбанда” лари, Иззатда “банда” лари. Мамлакатда катталар, Ҳеч иш қилмас латталар, Бўдмасада ҳеч фойда, Йиғиларкан ҳар ойда. Сўзга чиқиб подшоҳи, Сувдан ичиб гоҳ-гоҳи, Роса гапирар экан, Баъзан бақирар экан. Нима деётганини, Кимга гап отганини, Бош қотириб эрта-кеч, Англаб бўлмас экан ҳеч. Ойнома, рўзномада, Тўғриси, сўзномада, Ҳам сурати, ҳам гапи, Бунинг зарра йўқ лофи, Тўсиқларсиз, ҳеч говсиз, Босиларкан тўхтовсиз. Оғир экан хўп замон, Яшаш учун чол омон, Уйғониб сахар чоғдан, Ўтин тераркан тоғдан. Бир оз пул ишлаин деб, Катта нон тишлайин деб. Пули борлар бозорда, Пули йўқлар озорда. Кампир чолин тушуниб, Ҳар куни нон пишириб, Берар экан йўл учун,

Олиб қўйиб саллани. Демам, ўзим тўқидим, Кеча хабар ўқидим. “Нонга ҳозир талаш кўп, Саёқ хотин-халаж кўп”. Еркан нима берсанг ҳам, Кетмас экан ўрсанг ҳам Топиб бирор йўлини, Мен уларнинг пулини, Олиб бойишим керак, Сал жон қойишим керак. Зор қақшатиб қонини, Қашшоқ чолнинг нонини Дўкончамга жойлайман, Ҳар кун йўлидан пойлайман. Ўрмонда ўтин териш, Эшак устида юриш, Осонмас экан унча (Гапни чўзмайин мунча), Дам олганда чол ҳориб, Нонини тулки олиб, Аста қочиб қоларкан, Чол очкиб қоларкан. Кампирга айтмаскан. Ҳеч йўлидан қайтмаскан. Бир куни ўйлаиб чол, “Қачонгача бундай ҳол, Давом этиши мумкин,

ЭРТАК
Роса “пих, пих” лар экан. Қирқ кеча, қирқ кундузи, Юмиб улар кўзи, Ухлараркан мириқиб, Буни кўриб чол кўрқиб, Қайтмоқ бўлди кетига. Одамзоднинг ҳидига Девлар роса тўлғониб, Бир кун аввал уйғониб, Туришибди ўрнидан, Нафас олиб бурнидан. Тоға-жиян, аммаси, Хурсанд бўлиб ҳаммаси: — Одам гўшти еймиз, — деб, — Олдин бир гап деймиз, — деб, Чолга савол берибди (Қаранг-да бу фирибни); — Бўлгур фақат бой бобо, Кимсан айтгин, ҳой бобо? ...Ростин айтса агар чол, Тирик қолиши маҳол. Ҳақгўйлар кун кўрмаган, Ёмонни ҳуқ ўрмаган. Ҳаммаёқда ифлослик, Кимга керак, хўш, ростлик?! Яшайман деган одам, Чўчқа гўшт еган одам, Ҳеч нарсдан қайтмайди, Тўғри сўзни айтмайди. Ўзин тутиб олиб чол, Жавоб қилибди дарҳол: — Мени худо юборган, Дунёни қонга қорган, Девлар жонин оламан.

Пули йўқлар озорда. — Керакмас, — деб, — олтин ҳеч, — Кўнмабди чол олдин ҳеч. Рози бўпти ноздан сўнг, Кўнибди бир оздан сўнг. Боши осмонга етиб, Девлар ўзидан кетиб, Қурт-қумурсқа, жонивор, Ўрмонда ҳар неки бор, Ош берибди барига, Жондан дея нарига. Ўша тулки муттаҳам, Тўйга келибди у ҳам. Олдин ошни ебди у, Кейин не тўй дебди у. Девлар гапни бошлабди, Тулки бошин қашлабди. Не гаплигин билибди, Чапак чалиб кулибди. — Чол сизларни алдабди, Қўрқитиб пора обди. У ҳар кун сахар чоғда, Тергани ўтин тоғда, Ўтарди биз томондан, Нолиб роса замондан. Суробин тўғирлардим, Нонини ўғирлардим, Анча бўлди кўрмовдим, Касалдир деб ўйловдим. Демак, гап бор экан-да,



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.
Таҳрир ҳайъати:
В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ,
А. КУЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА,
Т. ҚАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ [масъул қотиб].

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ
Бизнинг манзилгоҳимиз:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083,
ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.
Газета ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-21
Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмаҳонаси.
Тошкент шаҳри. 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй
Чоп этиш вақти — 18.00.
Бу юртга № Г-27. Нашр кўрсаткичи 64563.